

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЎСАЕВА ОЛТИНОЙ ТУЙЧИБОЙ КИЗИ**

**АМБУЛАТОРИЯ АМАЛИЁТИДА ГЕРИАТРИК БЕМОЛЛАРНИ  
ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШДА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

**14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 616-053.9-07:615.8:304.3-055.2/055.1

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератим ундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мўсаева Олтиной Туйчибой кизи**

Амбулатория амалиётида гериатрик беморларни гендер хусусиятларини  
ҳисобга олган ҳолда реабилитация қилишда комплекс ёндашув..... 3

**Мусаева Олтиной Туйчибой кизи**

Комплексный подход к реабилитации гериатрических пациентов  
с учётом гендерных особенностей в амбулаторной практике..... 25

**Musaeva Oltinoy Tuychiboy kizi**

Comprehensive approach to the rehabilitation of geriatric patients considering  
gender-specific features in outpatient practice ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЎСАЕВА ОЛТИНОЙ ТУЙЧИБОЙ КИЗИ**

**АМБУЛАТОРИЯ АМАЛИЁТИДА ГЕРИАТРИК БЕМОРЛАРНИ  
ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШДА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

**14.00.12 – Тиббий реабилитология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида № В2025.1.PhD/Tib3226 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ризаев Жасур Алимджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хаджиметов Абдугафур Ахатович**  
биология фанлари доктори

**Саидов Максуд Арифович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университетида ҳузуридаги DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А. Темур кўчаси 18 - уй, СамДТУ бош биноси. Тел./Факс: (+99866) 233-30-34, [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А. Темур кўчаси 18-уй. Тел./Факс: (+99866) 233-30-34, e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги рақамли реестр баённомаси).

**Н.А. Ярмухаммедова**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Ж.А. Исмаилов**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, PhD, доцент

**С.Э. Мамараджабов**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, глобал демографик ўзгаришлар натижасида 2050 йилга келиб дунё аҳолисининг камида 22 фоизини 60 ёшдан катта кишилар ташкил этади<sup>1</sup>. Қариш жараёни, одатда, кўпқасаллилик, когнитив пасайиш, нутритив етишмовчилик ва ҳаракат фаолиятининг чекланиши билан кечади. Бу ўзгаришлар шахсининг функционал мустақиллиги ва ҳаёт сифатини пасайтиради, ижтимоий жихатдан эса тиббий-ижтимоий ёрдамга бўлган эҳтиёжни кескин оширади. Шу сабабли тиббий реабилитация тизими, айниқса, унинг амбулатор сегменти, фаол қариш ва ногиронликнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида ЖССТ томонидан таклиф этилган ICOPE (Integrated Care for Older People) стратегиясида индивидуал ёндашув, функционал ҳолатни баҳолаш, жинсга хос хусусиятларни ҳисобга олиш ва профилактика асосида хизмат кўрсатиш асосий тамойиллардан бири сифатида белгиланган<sup>2</sup>. Бироқ амалиётдаги маълумотлар шундан далолат берадики, амбулатор реабилитация дастурларининг самарадорлиги аксарият ҳолларда умумий ёндашувга асосланган бўлиб, бу муайян ҳудудларда унинг натижадорлигини пасайишига олиб келмоқда. Айниқса, ёши катта аёллар ва эркаклар ўртасида клиник ва психоэмоционал портретлар сезиларли фарқ қилади, масалан, аёлларда депрессия, уйқу бузилишлари ва нутритив етишмовчилик, эркакларда эса саркопения ва когнитив пасайиш устунлик қилади. Бу ҳолатлар амбулатор реабилитацияда жинсни ҳисобга олмасдан ёндашиш самарадорлигини чегаралашини кўрсатади.

Ўзбекистонда 2024 йил ҳолатига кўра, 60 ёш ва ундан катта аҳоли улуши 9,4% га ошган бўлиб, гериатрик контингентдаги касалликлар ва функционал етишмовчиликлар кўлами ошиб бормоқда<sup>3</sup>. Айниқса, кекса аёллар сонининг юқори эканлиги ва уларда ижтимоий ёлғизлик, нутритив дефицит, коморбид патологиялар устунлиги уларни алоҳида ёндашувни талаб қилувчи гуруҳга айлантиради. Соғлиқни сақлаш тизимида амбулатор ёрдамни ривожлантириш бўйича муҳим қадамлар қўйилган бўлса-да, жинсга оид хусусиятлар, айниқса, гериатрияда, амалиётга етарли даражада интеграция қилинмаган. Шу боис гендер фарқларини ҳисобга олган гериатрик реабилитация модели ишлаб чиқиши амалиётни такомиллаштириш ва давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос келади.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60 (2022-йил 28-январь) «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026-йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида», ПФ-5590 (2018 - йил 7 декабрь) «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», ПҚ-5199 (2021-йил 28-июль) «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

<sup>1</sup> World Health Organization. Ageing and health: fact sheet. Geneva: WHO; 2022.

<sup>2</sup> World Health Organization. Integrated care for older people: guidelines on community-level interventions to manage declines in intrinsic capacity. Geneva: WHO; 2017

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Демографик маълумотлар. Тошкент, 2024.

тўғрисида» тўғрисидаги қарор ва фармонларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг VI «Тиббиёт ва фармакология» -йўналишлари мувофиқлиги асосида амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қариш, функционал етишмовчилик ва тиббий реабилитация масалаларига бағишланган халқаро тадқиқотлар сони сўнгги ўн йилликда сезиларли даражада ортди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг IСOPE дастури (2019–2023) доирасида когнитив, нутритив пасайиш, гипомобильлик, депрессия ва ижтимоий изоляция каби ҳолатларни барвақт аниқлаш ва коррекция қилишга қаратилган интеграл ёндашувлар таклиф этилган (WHO, 2020). Beard ва Nicholson (2019–2020) каби муаллифлар “Healthy Ageing” концепцияси асосида биопсихосоциал модельни шакллантириб, кекса ёшдаги беморларда дефицит ҳолатлар, ҳаёт сифати ва функционал мустақилликни ўрганган.

Айрим ишларда гендерга оид фарқлар ҳам қайд этилган: аёлларда депрессия ва нутритив етишмовчилик, эркакларда эса когнитив пасайиш ва гипомобиллик кўпроқ учраган. Шунингдек, аёллар психоэмоционал интервенцияларга яхши жавоб қайтаради, эркаклар эса жисмоний реабилитацияга мойил. Бироқ бу тадқиқотларда амбулатор шароитда қўлланилиши мумкин бўлган, гендер хусусиятларини ҳисобга олган комплекс ва персоналлаштирилган реабилитация моделлари ишлаб чиқилмаган. Мавжуд моделларнинг аксарияти стационар ёки ҳимояланган муҳитда қўллашга мўлжалланган бўлиб, амбулатор рутин хизматларга мос келмайди. Шу боис, жинслар ўртасидаги биопсихосоциал фарқларни ҳисобга оладиган амбулатор тиббий реабилитация моделини ишлаб чиқиш ва амалий қўллаш ҳозирча етарлича ўрганилмаган илмий йўналиш ҳисобланади.

Россияда олиб борилган ишончли тадқиқотларда амбулатор хизматларда индивидуал ва гендер хусусиятларини ҳисобга олишдаги камчиликлар қайд этилган. Масалан, Селезнёва ва ҳаммуаллифлар (2020) учта минтақада тиббий ва ижтимоий хизматлар интеграциясининг паст даражада эканини ва персоналлаштирилган ёндашув етишмаслигини кўрсатган. Шунингдек, Larina ва бошқалар (2023) 371 нафар амбулатор бемор иштирокида ўтказган шкалали баҳолаш асосида гендер омиллари тўғрисида маълумот тўплаган, бироқ реабилитация интервенциялари жинсга мослаштирилмаган. Бу ҳолатлар СНГ давлатларида ҳам гендерга йўналтирилган амбулатор моделларга эҳтиёж юқорилигини тасдиқлайди.

Маҳаллий олимлар — Талипова Ю.Ш., Атаханова Л.Е., Абдуқодирова Н.М., Сағатова Х.М. ва бошқалар томонидан юрак-қон томир ва нутритив патологиялар, менопауза даври, депрессия ва метаболик бузилишлар, шунингдек кекса ёшдаги беморларда фармако-реабилитация масалалари юзасидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Улар гериатрик беморларнинг умумий ҳолатини баҳолашда шкалалардан фойдаланиш, нутритив таъминотни яхшилаш ва диспансер кузатувнинг аҳамиятини қайд этганлар. Масалан, Талипова Ю.Ш. (2019) менопауза давридан кейинги аёлларда артериал

гипертония ва метаболик синдромнинг кечишига бағишланган тадқиқотларда психоэмоционал ва нейрогумораль механизмларнинг аҳамиятини кўрсатган. Шунингдек, Сағатова Х.М. (2008) ишида ишемик касалликни даволашда қўлланилаётган дори воситаларининг кекса беморлар организмга таъсири ва клиник самарадорлиги баҳоланган. Ушбу тадқиқотлар Ўзбекистонда геронтологик ва психосоматик йўналишларда муайян илмий асос яратилганини кўрсатади.

Бироқ, мавжуд тадқиқотларда амбулатор босқичда жинс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс тиббий-реабилитация ёндашувларини ишлаб чиқишга қаратилган моделлар ҳали етарлича ривожланмаган. Шу боис мазкур диссертация доирасида илгари сурилаётган тадқиқот амбулатор шароитга мослашган, гендер хусусиятларини ҳисобга олувчи персоналлаштирилган тиббий реабилитация моделини ишлаб чиқиш ва уни клиник жиҳатдан баҳолаш Ўзбекистонда биринчи марта амалий апробация қилинаётган йўналиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 012400288 – сонли “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, ташхиси ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Гериатрик беморларнинг функционал фаоллигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган, жинсга асосланган амбулатория реабилитация моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

гериатрик ёшдаги эркак ва аёл беморларда учрайдиган дефицит ҳолатларнинг клиник-функционал хусусиятлари ва гендер фарқларини ўрганиш;

амалдаги амбулатор тиббий реабилитация дастурларини таҳлил қилиш ва уларда жинсни ҳисобга олмаслик билан боғлиқ асосий чекловлар ва методологик муаммоларни аниқлаш;

гериатрик ёшдаги беморнинг жинси, ёши ва функционал ҳолатига мослаштирилган амбулатор реабилитациянинг модулли комплекс моделини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган моделни амбулатор амалиётда текшириш ва унинг клиник-функционал натижаларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 45 ёш ва ундан юқори бўлган, ёшга хос функционал бузилишларга эга бўлган шахслар олинди. Улар орасида 2014–2023 йилларда амбулатор ёрдам олган ва тиббий хужжатлари таҳлил қилинган 1915 нафар бемор, шунингдек, 2023–2024 йилларда шкалали баҳолашга жалб этилган 247 нафар 60 ёшдан катта гериатрик бемор ҳамда ишлаб чиқилган моделни текшириш ва самарадорлигини баҳолаш учун танланган 100 нафар гериатрик беморлар киритилди. Биринчи тоифага кирувчи беморлар ичида гериатрияга ўтиш босқичида бўлган, функционал ўзгаришларнинг эрта белгилари кузатилган шахслар ҳам мавжуд бўлиб, уларни таҳлил қилиш

профилактикага йўналтирилган стратегияни асослаш имконини берди. Шу орқали ҳар икки гуруҳдаги маълумотлар жинс ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган, амбулатор шарт-шароитга мослаштирилган шахсийлаштирилган реабилитация моделини ишлаб чиқиш учун эмпирик базани таъминлади.

**Тадқиқот предметини** гериатрик беморларнинг клиник-функционал ҳолатининг гендер хусусиятлари, шунингдек жинс ва функционал дефицит хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда модификация қилинган амбулатор реабилитация модели самарадорлиги ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари** Диссертацияда клиник-гериатрик баҳолаш, психометрик, функционал тестлар, анкета сўровнома, статистик каби таҳлил усуллари қўлланилди.

**Тадқиқот илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

амбулатор шароитда кекса ва қари ёшдаги беморлардаги асосий функционал дефицитлар — когнитив, мотор, нутритив, психоэмоционал ва сенсор (кўриш ва эшитиш) бузилишлар, шунингдек ҳаёт сифати ҳамда ижтимоий омилларнинг (ёлғизлик ва эйджизм) комплекс таҳлил қилинган ва уларнинг гендер хусусиятлари илмий жиҳатдан асосланган;

жинслар ўртасидаги клиник ва функционал фарқларини таҳлил қилиш асосида амбулатор шароитда қўлланиладиган тиббий реабилитация модели телемедицина орқали такомиллаштирилган;

илк бор амбулатория амалиётида гериатрик беморларда MMSE, MoCA, BDI, MNA, TUG, Barthel ва SF-36 каби мослаштирилган суровномалар асосида ҳаёт сифати курсаткичлари баҳоланган ва терапевтик жараендаги прогностик аҳамияти исботланган;

беморларда ижтимоий адаптация даражасини оширишда гендер-дифференциаллаштирилган реабилитация дастурларининг клиник самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

60 ёшдан юқори гериатрик беморларни амбулатор шароитда комплекс баҳолашда MoCA, MMSE ва BDI шкалалари когнитив ва психоэмоционал ҳолатни аниқлашда асосий восита бўлди. Жорий этилган реабилитация модели фонида когнитив функция  $2,3 \pm 0,4$  баллга яхшиланиб, депрессия кўрсаткичлари  $2,1-2,8$  баллга пасайди ( $p < 0,01$ );

реабилитация дастурида MNA шкаласи орқали нутритив ҳолат баҳоланди ва коррекция тадбирлари амалга оширилди. Аёлларда дефицит эркакларга нисбатан 1,5 баробар кўп кузатилди. Индивидуал рацион ва нутритив кўшимчалар фонида нутритив ҳолат  $2,1 \pm 0,4$  баллга яхшиланди, дефицит даражасидаги беморлар улуши 54% дан 31% гача камайди ( $p < 0,05$ );

ҳаракат фаоллиги бўйича гендерга мослаштирилган модуллар (динамик юриш, мобилизация, автокоррекция) интеграция қилинди. TUG тестида натижа  $2,8 \pm 0,3$  сонияга яхшиланди ( $p < 0,05$ ), функционал кўрсаткичлар умумий 18–22% га ошди;

жорий этилган реабилитация модели беморларнинг даволанишда ва реабилитация жараёнида фаол иштирокини кучайтирди: такрорий ташрифлар 18,7% га, такрорий мурожаатчилар улуши 25% дан 12% гача камайди; курсни тўлиқ якунлаганлар улуши 37,4% дан 62,1% гача кўпайди.

**Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги функционал ҳолатни баҳолашда замонавий ва тасдиқланган шкалалардан (MMSE, MoCA, MNA, TUG, SF-36 бошқалар) фойдаланиш, тадқиқотнинг турли босқичларида ( $n = 1915$ ,  $n = 247$ ,  $n = 100$ ) статистик жиҳатдан асосланган танламалар қўлланилиши билан таъминланган. Тадқиқотнинг кўп босқичли структураси — ретроспектив, клинико-функционал ва жорий этиш босқичларини ўз ичига олган ҳолда — натижалар динамикасини ва уларнинг барқарорлигини ҳар томонлама баҳолашга имкон берди. Ҳисоблашларда тасодифий хатоларнинг эҳтимоли  $p < 0,05$  даражасида баҳоланди. Реабилитация модели амбулатор муассасаларда кўп соҳали мутахассислар иштирокида текширилди. Асосий шкалалар бўйича ижобий динамика ва натижаларнинг такрорланувчанлиги ишлаб чиқилган моделнинг амалиётда ишлатишга лойиқлигини кўрсатади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистон аҳолисининг гериатрик гуруҳида гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда функционал ҳолат, когнитив фаоллик, нутритив статус ва психоэмоционал ҳолатнинг ўзаро боғлиқликлари илмий жиҳатдан асослаб берилган ва бу биринчи мартаба амбулатор реабилитация жараёнида динапения, саркопения, когнитив бузилиш ва депрессиянинг гендерга хос клиник фенотиплари маълумотлар асосида тизимлаштирилган. Ушбу ёндашув асосида жинсга оид фарқлар тўғрисидаги маълумотлар локал гериатрик амалиётга мослаштирилган, шунингдек стратификацияланган реабилитация моделининг илмий асослари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, жинс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мультидисциплинар амбулатор тиббий реабилитация моделини шакллантириш ва уни амалиётга татбиқ этиш, кекса ёшдаги беморларда функционал фаолликни сақлаб қолиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, даволашга риоя этишни кучайтириш ва ногиронлик ривожланиш хавфини камайтириш имкониятини бериш билан изоҳланади, шунингдек, ушбу модельнинг апробацияси натижалари асосида умумий амалиёт шифокорлари, гериатрлар, нутрициологлар, психологлар ва физиотерапевтлар учун амалиётда қўлланиладиган стандартлаштирилган алгоритмлар ишлаб чиқилган ҳамда таълим жараёнига интеграция қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича ягона хулоса 2025 йил 22 майдаги 18/08 – сонли хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* амбулатор шароитда кекса ва қари ёшдаги беморлардаги асосий функционал дефицитлар — когнитив, мотор, нутритив, психоэмоционал ва сенсор (кўриш ва эшитиш) бузилишлар, шунингдек ҳаёт сифати ҳамда ижтимоий омилларнинг (ёлғизлик ва эйджизм) комплекс таҳлил қилинган ва уларнинг гендер хусусиятлари илмий жиҳатдан асосланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-мартдаги № 8-сон баённомаси билан тасдиқланган «Комплексный подход к реабилитации гериатрических пациентов с учетом гендерных особенностей в амбулаторной практике» номли услубий тавсияномада ўз аксини топган.

Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар 1-сон шифохонаси бўйича 27.03.2025 йилдаги 24-21-сон ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 10.04.2025 йилдаги 57-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025-йил 22-майдаги 18/08-сон). *Ижтимоий самарадорлиги:* Бу янгилик кекса аҳолида кенг тарқалган когнитив, мотор ва нутритив чекловларнинг жинс ва ёш бўйича аниқ тенденцияларини очиб берди. Аҳоли орасида геронтологик хатарлар ҳақида хабардорликни ошириш, ижтимоий ёлғизлик, эйджизм ва гендерга боғлиқ психологик тўсиқларни камайтириш имконини берди. Бунда эркакларда саркопения, юрак-қон томир муаммолари, аёлларда эса остеопороз, депрессия ва овқатланиш етишмовчилиги устунлигига асосланган муаммоларга йўналтирилган профилактик ва реабилитацион чора-тадбирларни ишлаб чиқишга замин яратилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Жинс ва ёшга хос дефицитлар тўғрисидаги маълумотлар асосида ресурслар — диагностика, дори-дормонлар, персонал вақти — мақсадли равишда тақсимланди. Бу орқали такрорий ташрифлар сони 18,7% га, такрорий мурожаатчилар улуши эса 25% дан 12% га қисқарди. Бунинг ўзи, йиллик 150 нафар беморга хизмат кўрсатилганда, камида 31,5 миллион сўмлик соғлиқни сақлаш харажатларини тежаш имконини бериши мумкин. *Хулоса:* амбулатор шарт-шароитда гериатрик беморларда жинс ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда асосий функционал дефицитларнинг аниқланиши ва уларга йўналтирилган комплекс ёндашувнинг ишлаб чиқилиши реабилитация жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу ўз навбатида аҳоли саломатлигини яхшилаш, такрорий касалланишларни камайтириш ва соғлиқни сақлаш тизими харажатларини тежашда муҳим аҳамиятга эга.

*иккинчи илмий янгилик:* жинслар ўртасидаги клиник ва функционал фарқларини таҳлил қилиш асосида амбулатор шароитда қўлланиладиган тиббий реабилитация модели телемедицина орқали такомиллаштирилган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26 мартдаги № 8-сон баённомаси билан тасдиқланган «Комплексный подход к реабилитации гериатрических пациентов с учетом гендерных особенностей в амбулаторной практике» номли услубий тавсияномада ўз аксини топган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар 1-сон шифохонаси бўйича 27.03.2025 йилдаги 24-21-сон ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 10.04.2025-йилдаги 57-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025-йил 22-майдаги 18/08-сон). *Ижтимоий самарадорлиги:* Модуляр реабилитация тизими ҳар бир беморнинг ҳолати ва жинсга хос эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шахсий реабилитация курсини тузиш имконини берди. Бу ҳолат пациентларнинг реабилитация жараёнидаги иштироки ва қониқишини ошириб, уларнинг мустақилликка эришишини тезлаштирди. Модуляр ёндашув реабилитацияни эркаклар ва аёлларда фарқли стратегик асосда амалга оширишни мумкин қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Фаол модуляр реабилитация асосида курсни тўлиқ якунловчи беморлар улуши 37,4% дан 62,1% гача ошди. Бу реабилитациянинг самарасини ва барқарорлигини кўрсатади. Қисқа вақтли даволаш, камроқ орқага қайтиш ва камида 25–30 млн

сўмлик ижтимоий ва тиббий харажатларнинг олдини олиш имконини беради. *Хулоса:* жинс ва ёш хусусиятларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган модуляр тиббий реабилитация тизими амбулатор амалиётда индивидуал ёндашувни таъминлаб, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, мустақилликка эришишини тезлаштириш ва соғлиқни сақлаш харажатларини камайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

*учинчи илмий янгилик:* илк бор амбулатория амалиётида гериатрик беморларда MMSE, MoCA, BDI, MNA, TUG, Barthel ва SF-36 каби мослаштирилган суровномалар асосида ҳаёт сифати курсаткичлари баҳоланган ва терапевтик жараендаги прогностик аҳамияти исботланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-мартдаги № 8-сон баённомаси билан тасдиқланган «Комплексный подход к реабилитации гериатрических пациентов с учетом гендерных особенностей в амбулаторной практике» номли услубий тавсияномада ўз аксини топган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар 1-сон шифохонаси бўйича 27.03.2025 йилдаги 24-21-сон ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 10.04.2025 йилдаги 57-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025-йил 22-майдаги 18/08-сон). *Ижтимоий самарадорлиги:* Янги алгоритм мутахассисларга беморнинг умумий ҳолатини тез ва тўлиқ баҳолаш имконини берди. Бу орқали эрта босқичда дефицитларни аниқлаш, индивидуал муаммоларни мақсадли ҳал қилиш ва ижтимоий адаптацияни тезлаштириш имкони яратилди. Ушбу ёндашув беморнинг реабилитация жараёнида ўзини тўлиқ намोён этиши, ўз қобилиятларини тиклаши ва ёлғизлик ҳамда ижтимоий изоляцияни енгишига кўмаклашди. Иқтисодий самарадорлиги: Шкалаларга асосланган баҳолаш орқали ресурслар фақат реал эҳтиёжларга йўналтирилди. Шу йўл билан диагностикалар ва хизматларнинг самарадорлиги ошди. Реабилитациядан кейинги кузатувлар ҳам автоматлаштирилган мониторинг орқали амалга оширилди, бу эса транспорт ва ташкилий харажатларни сезиларли даражада қисқартирди. Амалиётда ушбу алгоритмни жорий этиш орқали умумий хизмат кўрсатиш харажатлари бир неча фоизга камайгани қайд этилди. *Хулоса:* амбулатор шароитда гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган комплекс функционал ҳолатни баҳолаш алгоритми дефицитларни эрта аниқлаш, индивидуал реабилитация чораларини белгилаш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

*тўртинчи илмий янгилик:* беморларда ижтимоий адаптация даражасини оширишда гендер-дифференциаллаштирилган реабилитация дастурларининг клиник самарадорлиги исботланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 26-мартдаги № 8-сон баённомаси билан тасдиқланган «Комплексный подход к реабилитации гериатрических пациентов с учетом гендерных особенностей в амбулаторной практике» номли услубий тавсияномада ўз аксини топган. Мазкур таклиф Самарқанд шаҳар 1-сон шифохонаси бўйича 27.03.2025 йилдаги 24-21-сон ва Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 10.04.2025 йилдаги 57-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025-йил 22-майдаги 18/08-сон).

*Ижтимоий самарадорлиги:* Тадқиқот натижалари гендерга асосланган реабилитация моделлари реал шароитда бемор ҳаётининг сифатини оширишга, реабилитациядан кейинги адаптацияга ва ижтимоий функцияларни тиклашга хизмат қиладиганини тасдиқлади. Ушбу ёндашув геронтологик ёшдаги беморларни жамиятга қайта жалб этиш, уларнинг ижтимоий изоляциясини олдини олиш, ўзини кадрлаш туйғусини кучайтириш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Реабилитация курси харажатлари илгариги модельда ўртача 1200000 сўм бўлган бўлса, янги моделда бу 990000 сўмгача камайтирилди. Ҳар бир бемор учун 210000 сўм иқтисодий фойда қайд этилди. Ушбу натижалар амбулатор реабилитация моделининг кенг жорий этилишини иқтисодий жиҳатдан мақбул эканлигини кўрсатади. *Хулоса:* амбулатор амалиётда илк бор жорий этилган гендер-дифференциаллаштирилган реабилитация дастурларининг самарадорлиги клиник ва статистик жиҳатдан баҳоланиб, самарали эканлиги илмий асосда исботланди. Ушбу ёндашув гериатрик беморларда ҳаёт сифатини ошириш, ижтимоий адаптацияни кучайтириш ва соғлиқни сақлаш харажатларини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқотлар натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 1 та услубий тавсиянома, 1 та ЭҲМ дастур ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақолалар, 6 та республика, 1 та хорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва талаб юқорилиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, объект ва предмет тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасидаги илм-фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилганлиги, натижаларнинг апробацияси ва нашр этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши баён этилган.

**Биринчи бобда** – «Гериатрик беморларни гендер йўналтирилган амбулатор реабилитациясининг назарий асослари» мавзусидаги миллий ва хорижий адабиётлар таҳлили келтирилган.

Ёшга боғлиқ саркопения, динапения, когнитив ва психоэмоционал бузилишлар, нутритив ва сенсор дефицитлар каби функционал бузилишларнинг классификацияси ва коррекцияси бўйича замонавий ёндашувлар кўриб чиқилган. Айниқса, гендерга йўналтирилган тиббиёт концепцияси ва уни кекса беморларни тиклашда қўллаш имкониятларига алоҳида эътибор берилган. Эркак ва аёлларда қаришнинг клиник-патогенетик механизмлари, шунингдек, ёшга боғлиқ ўзгаришларнинг тузилиши ва динамикасини белгилайдиган омиллар таҳлил қилинган. Гериатрияда функционал ҳолатни баҳолашда қўлланиладиган тасдиқланган шкалалар ва инструментлар умумлаштирилган.

**Иккинчи бобда** – «Гериатрик беморлар учун гендерга мослаштирилган модулли реабилитацияни ишлаб чиқиш: материал ва усуллар» – тадқиқот объекти, базаси, босқичлари, методологик ёндашувлар ва қўлланилган инструментлар муфассал баён этилган. Тадқиқот базалари сифатида қатор амбулатор ва ихтисослаштирилган ташкилотлар (жумладан, оилавий поликлиникалар, Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий касалхонаси, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси ва Самарқанд шаҳри 1-сонли шаҳар шифохонаси) жалб этилди. Тадқиқот уч босқичда амалга оширилди:

**Биринчи босқич** (ретроспектив таҳлилий) — 2014–2023 йиллар мобайнида 45 ёш ва ундан катта бўлган 1915 нафар (улардан 917 нафар эркак ва 998 нафар аёл; ўртача ёш —  $58,9 \pm 1,3$ ) тўғрисидаги архив тиббий маълумотлар таҳлил қилинди. Мақсад — когнитив, ҳаракат, нутритив, сенсор, ижтимоий ва психоэмоционал дефицитлар мослашувини жинс ва ёш бўйича аниқлаш.

Тадқиқотда беморлар иккита ёш гуруҳига ажратилди:

**Преморбид гуруҳ (45–59 ёш)** — эрта дефицитларни баҳолаш учун;

**Геронтологик гуруҳ ( $\geq 60$  ёш)** — гериатрияга хос муаммоларни аниқлаш учун. Ушбу фарқлаш таҳлил жараёнида дефицит ҳолатларнинг намоён бўлишидаги ёшга хос фарқларни изчил чуқурроқ баҳолаш имконини

берди. 45 ёш ва ундан катталар функциял бузилишларнинг илк намоён бўлишини эрта аниқлаш учун танланган, бу профилактикага қаратилган ёндашув ишлаб чиқишда муҳим. Натижалар гендер ва ёш гуруҳлари кесимида дефицит ҳолатларининг фарқли тарқалишини аниқлади ҳамда кейинги шкалалар баҳолаш учун методологик асос бўлди.

**Иккинчи босқич** (шкалалар проспектив) — 60 ёш ва ундан катта 247 нафар беморда шкалалар орақали (MMSE, MoCA, BDI, MNA, TUG, Barthel, SF-36) функционал ҳолат баҳоланди. Танланманинг статистик етарлилиги махсус формула асосида тасдиқланди ( $n=218$ ). Репрезентативлик текшируви  $t$ -критерий ва  $\Delta=0,05$  хатолик асосида олиб борилди. Ҳисоблаш натижасига кўра, 247 беморлик танланма етарли деб топилди. Аниқланган функционал етишмовчиликлар жинс ва патология турларига қараб стратификация қилинди.

**Учинчи босқич** (текшириш ва жорий этиш) — модел Самарқанд шаҳридаги 2 муассасада (СамДТУ кўп тармоқли клиникаси ва 1-шаҳар шифохонаси) 100 нафар (59 аёл, 41 эркак) 60 ёш ва ундан катта бўлган беморда апробация қилинди. Самарадорлик MMSE, MoCA, BDI, HADS, MNA, TUG, Barthel ва SF-36 шкалалари орақали баҳоланди. Диагностика гериатрик кўрик ва тасдиқланган шкалалар асосида амалга оширилди. Натижалар моделнинг клиник ва статистик самарадорлигини тасдиқлади.

Статистик таҳлил: Маълумотлар SPSS ва Excel орақали ишланди;  $t$ -критерий,  $\chi^2$ -критерий, ANOVA ва фактор таҳлил (асосий компонентлар) қўлланилди.  $p<0,05$  даражасидаги фарқлар аҳамиятли деб баҳоланди.

**Учинчи бобда - «Кекса ва қари ёшдаги эркак ва аёллар ўртасида дефицит ҳолатлар қиёсий таҳлили: натижалар ва муҳокама»** - тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси ўтказилди. Ушбу бобда жинс ва ёш бўйича гериатрик беморларнинг функционал ҳолати жинс ва ёш кесимида таҳлил қилинди. Эркак ва аёлларда мушак заифлиги, когнитив ва психоэмоционал бузилишлар, нутритив дефицитлар ва ҳаёт сифатининг бузилиши каби функционал етишмовчиликлар учраш ҳолатининг интенсивлиги ва хусусиятидаги фарқлар аниқланган.

**1-босқич (ретроспектив таҳлил):** Тадқиқотнинг биринчи босқичида 2014–2023 йиллар давомида 45 ёш ва ундан катта бўлган 1915 нафар амбулатор беморнинг клиник ва демографик маълумотлари ретроспектив таҳлил қилинди. Анализда 45–59 ёшли шахслар **алоҳида солиштирма назорат гуруҳи** сифатида ажратилди ва геронтологик гуруҳ (60 ёш ва ундан катта) билан таққослаб ўрганилди.

Таҳлилда қуйидаги гендер ва ёш тенденциялари аниқланди:

Аёлларда, айниқса 60 ёшдан юқорида, депрессия, мальнутриция, уйқу бузилиши ва ижтимоий изоляция ҳолатлари сезиларли даражада кўпроқ кузатилди ( $p<0,01$ ). Эркакларда эса (асосан 60–70 ёш оралиғида) гипомобиллик ва когнитив бузилишлар устунлик қилди ( $p<0,05$ ).

**Мушак заифлиги:** Аёлларда 45–49 ёшда 30,0% дан 75+ ёшда 77,2% гача **2,6 баробар** кўпайиш кўрсатди ( $OR>2,5$ ,  $p<0,001$ ). Эркакларда энди 25,3% дан 51,8% гача ўртача суръатда ривожланади (1-жадвал).

**Амбулатор беморлар карталари асосида мушак заифлиги,  
гипомобиллик ва йиқилишларнинг учраши (%)**

Ҳолат	жинс	45–49 ёш	50–54 ёш	55–59 ёш	60–64 ёш	65–69 ёш	70–74 ёш	75+
Мушак заифлиги	Э	25,3% (44/174)	27,6% (47/170)	31,2% (53/170)	34,3% (48/140)	38,5% (52/135)	44,4% (32/72)	51,8% (29/56)
	А	30,0% (57/190)	42,2% (76/180)	53,7% (101/188)	57,3% (86/150)	62,9% (88/140)	66,7% (56/84)	77,23% (51/66)
Гипомобиллик	Э	30,5% (53/174)	34,7% (59/170)	42,4% (72/170)	47,9% (67/140)	62,1% (87/135)	69,4% (50/72)	78,6% (44/56)
	А	24,2% (46/190)	29,4% (53/180)	31,4% (59/188)	35,3% (53/150)	49,3% (69/140)	52,3% (44/84)	59,1% (39/66)
Йиқилишлар	Э	3,4% (6/174)	4,7% (8/170)	6,5% (11/170)	20,7% (29/140)	28,1% (38/135)	34,7% (25/72)	44,6% (25/56)
	А	3,2% (6/190)	4,4% (8/180)	6,4% (12/188)	19,3% (29/150)	25,7% (36/140)	28,5% (24/84)	34,8% (23/66)

*Изоҳ:*  $\chi^2$  ва Фишер тестлари асосида баҳоланган, муҳим натижалар  $\phi$  ва OR билан тасдиқланган.

**Гипомобиллик:** Эркакларда 55–59 ёшдаги 42,4% дан 75+ ёшда 78,6% гача кескин ўсиш кўзга ташланади (OR=0.54,  $p<0,05$ ). Аёлларда эса 31,4% дан 59,1% гача астасекин ошиш ҳукм суради.

**Йиқилишлар:** 60 ёшдан сўнг ҳар икки жинсда сезиларли равишда кўпайган. Аммо юқори ёш гуруҳларида (70 ёшдан юқори) эркакларда йиқилишлар нисбатан кўпроқ кузатилди: 75+ ёшда аёлларда 34,8%, эркакларда эса 44,6% ҳолда қайд этилган. Статистик жиҳатдан бу фарқлар аҳамият эга бўлмаса-да ( $p>0,05$ ), **клиник аҳамияти бўлиши мумкин бўлган** тенденция. Хусусан, эркакларда йиқилиш хавфининг юқори бўлиши уларда мушак заифлиги ва гипомобиллик билан боғлиқ комплекс муаммолар фонида юзага келиши мумкин. Шунинг учун, реабилитацияни режалаштиришда йиқилиш хавфини гендер нуқтаи назардан баҳолаш зарур.

**Психоэмоционал ва когнитив бузилишларнинг гендер хусусиятлари**

Амбулатор маълумотларни таҳлил қилиш натижасида аёлларда депрессия, уйқу бузилишлари ва мальнутриция ҳолатлари кўпроқ қайд этилди. Хусусан, депрессиянинг учраши 45–69 ёш оралиғида аёлларда эркакларга нисбатан аҳамиятли даражада юқори бўлган ( $p<0,05$ ; OR≈1.6–1.7) (2-жадвал). Уйқу бузилишлари ҳам шу ёш гуруҳларида аёлларда устун бўлиб, логистик таҳлилда аёл жинси мустақил хавф омили эканлиги аниқланди (OR=1.68;  $p=0,021$ ) (4-жадвал).

Когнитив бузилишлар, хусусан деменция ҳолатлари эса эркакларда ёш ўсиши билан сезиларли даражада кўпайган. 50 ёшдан бошлаб барча гуруҳларда деменция эркакларда аёлларга нисбатан кўпроқ қайд этилган ( $p<0,05$ ). Масалан, 65–69 ёшда бу кўрсаткич мос равишда 34,1% ва 22,1% ни ташкил этди (OR=0.55;  $p=0,02$ ) (3-жадвал).

Ушбу натижалар гендер ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, психоэмоционал ва когнитив бузилишлар профилактикаси ва реабилитация дастурларини шахсийлаштириш зарурлигини тасдиқлайди.

## 2-жадвал.

### Амбулатор маълумотларда қайд этилган депрессив ҳолатларнинг ёш ва жинс кесимидаги динамикаси

Ёш гуруҳи	Аёллар % (n/N)	Эркаклар % (n/N)	OR (95% ДИ)	p-value
45–49	26.8% (51/190)	17.8% (31/174)	1.69 (1.02–2.80)	0.040*
50–54	29.4% (53/180)	19.4% (33/170)	1.73 (1.05–2.85)	0.031*
55–59	33.5% (63/188)	23.5% (40/170)	1.64 (1.03–2.61)	0.036*
60–64	40.0% (60/150)	28.6% (40/140)	1.67 (1.02–2.72)	0.040*
65–69	43.6% (61/140)	31.1% (42/135)	1.65 (1.01–2.70)	0.045*
70–74	46.4% (39/84)	37.5% (27/72)	1.54 (0.95–2.52)	0.081
≥75	48.5% (33/66)	41.1% (23/56)	1.43 (0.70–2.94)	0.324

*Изоҳ:* n/N — ҳолат/умумий сони; OR — нисбий хавф; 95% ДИ — ишонч интервали; \*  $p < 0.05$  — жинслар ўртасидаги фарқ аҳамиятли.

## 3-жадвал.

### Деменция учраш ҳолатларининг ёш ва жинс боғлиқлиги

Ёш гуруҳи	Аёллар % (n/N)	Эркаклар % (n/N)	OR (95% ДИ)	p-value
45–49	1.05% (2/190)	2.87% (5/174)	0.36 (0.07–1.88)	0.267
50–54	3.33% (6/180)	7.65% (13/170)	0.42 (0.15–1.12)	0.041*
55–59	9.04% (18/188)	17.65% (30/170)	0.49 (0.26–0.92)	0.011*
60–64	16.67% (25/150)	27.86% (39/140)	0.52 (0.29–0.91)	0.010*
65–69	22.14% (31/140)	34.07% (46/135)	0.55 (0.32–0.94)	0.020*
70–74	27.38% (23/84)	38.89% (30/72)	0.53 (0.27–1.03)	0.096
≥75	31.82% (21/66)	42.86% (26/56)	0.54 (0.26–1.13)	0.118

*Изоҳ:* n/N — ҳолат/умумий сони; OR — нисбий хавф; 95% ДИ — ишонч интервали; \*  $p < 0.05$  — жинслар ўртасидаги фарқ аҳамиятли.

## 4-жадвал.

### Уйқу бузилишлари учраш ҳолатларининг ёш ва жинс боғлиқлиги


Ёш гуруҳи	Аёллар % (n/N)	Эркаклар % (n/N)	OR (95% ДИ)	p-value
<b>45–49</b>	27.4% (52/190)	17.8% (31/174)	1.73 [1.05-2.86]	0.033*
<b>50–54</b>	28.3% (51/180)	18.8% (32/170)	1.69 [1.03-2.78]	0.039*
<b>55–59</b>	29.8% (56/188)	20.0% (34/170)	1.70 [1.05-2.76]	0.032*
<b>60–64</b>	30.7% (46/150)	27.1% (27/140)	1.19 [0.71-1.98]	0.503
<b>65–69</b>	31.4% (44/140)	31.1% (42/135)	1.01 [0.61-1.69]	0.970
<b>70–74</b>	32.1% (27/84)	33.33% (24/72)	0.95 [0.48-1.85]	0.880
<b>≥75</b>	34.8% (23/66)	35.7% (20/56)	0.96 [0.46-2.03]	0.915

*Изоҳ:* n/N — ҳолат/умумий сони; OR — нисбий хавф; 95% ДИ — ишонч интервали; \*  $p < 0.05$  — жинслар ўртасидаги фарқ аҳамиятли.

**Нутритив бузилишлар: гендер ва ёш хусусиятлари.** Биринчи босқичда 1915 нафар 45 ёшдан катта беморнинг амбулатор маълумотлари асосида нутритив ҳолати таҳлил қилинди. MNA шкаласи белгиларидан келиб чиқиб, мальнотрия ва унга бўлган хавф ҳолатлари ёш ва жинс кесимида туркумланди. Аёлларда нутритив дефицитлар барча ёш гуруҳларида юқори

бўлиб, масалан, 55–59 ёшда аёлларда мальнуртия 31,4%, эркакларда эса 17,6% ташкил этди (OR=2.13; p=0.003). Ушбу тенденция  $\geq 60$  ёшли гуруҳда ҳам сақланди (1-расм). Cochran–Armitage тести натижалари нутритив дефицитлар ёш ортгани сари ишончли ўсишини кўрсатди (p<0.001).


Логистик регрессияда аёл жинси мустақил хавф омилли сифатида тасдиқланди (OR=1.91; p<0.001), ҳатто ёш ва касалликлар сони ҳисобга олинганда ҳам.



**1-расм.** Мальнуртия ва унга бўлган хавфнинг ёш ва жинс кесимида учраш ҳолати (фоизларда)

Реабилитация нуқтаи назаридан, мальнуртия функционал ҳолат (Barthel), когнитив фаолият (MoCA, MMSE) ва ҳаёт сифатининг (SF-36) пасайиши билан боғлиқ. Ушбу боғлиқликлар 2-босқич натижалари билан ҳам тасдиқланди.

Сенсор бузилишлар (кўриш ва эшитиш қобилияти пасайиши) ҳам нутритив дефицитлар қаторида фаолиятни чекловчи муҳим омиллардандир. Улар 70–74 ёшда энг юқори даражада бўлган, жинс бўйича катта фарқ кузатилмаган. Бундай ҳолатлар ҳаракат, хавфсизлик ва когнитив фаолликни чеклайди (2-расм).



**2-расм.** Ёш ва жинс бўйича кўриш ва эшитиш қобилиятининг пасайиши динамикаси.

### Ижтимоий тўсиқлар: ёлғизлик ва Ageism

60 ёшдан юқори гуруҳда ёлғизлик ва Ageism ҳолатлари аёлларда кўпроқ кузатилди. Масалан, 70–74 ёшда аёллар орасида ёлғизлик 44,0%, эркакларда эса 17,4% бўлиб, фарқ аҳамиятли (p<0.001). Корреляцион таҳлилда аёлларда ёлғизлик даражаси ёш (r = +0.65), бева қолиш (r = +0.58) ва оилавий алоқалар йўқлиги (r = +0.60) билан боғлиқлиги аниқланди.

Ageism жинслар ўртасида деярли бир хил тарқалган. Масалан, 70–74 ёшда эркаклар орасида 17,3%, аёлларда эса 20,2% ҳолда қайд этилган. У ҳар қанча кам намоён бўлмасин, реабилитацияга нисбатан салбий муносабат ва мотивация пасайишига сабаб бўлади (5-жадвал).

5-жадвал.

Гериатрик гуруҳ ( $\geq 60$  ёш) ва солиштирма гуруҳ (45–59 ёш)да ижтимоий дефицитларнинг жинс кесимида учраш ҳолати

Ҳолат / Синдром	Ёш гуруҳи	Эркаклар % (n/N)	Аёллар % (n/N)	$\chi^2$	p-value
Ёлғизлик синдроми	45–49	3.4% (6/174)	4.7% (9/190)	0.45	0.50
	50–54	6.5% (11/170)	9.4% (17/180)	1.02	0.31
	55–59	8.8% (15/170)	13.8% (26/188)	2.67	0.10
	<b>60–64</b>	11.4% (16/140)	24.0% (36/150)	<b>7.17</b>	<b>0.007**</b>
	<b>65–69</b>	13.3% (18/135)	32.9% (46/140)	<b>12.54</b>	<b>&lt;0.001***</b>
	<b>70–74</b>	17.4% (13/72)	44.0% (37/84)	<b>13.96</b>	<b>&lt;0.001***</b>
	<b>75+</b>	21.2% (14/66)	53.0% (35/66)	<b>15.77</b>	<b>&lt;0.001***</b>
Ageism синдроми	45–49	3.2% (6/174)	3.7% (7/190)	0.06	0.80
	50–54	5.3% (9/170)	5.6% (10/180)	0.01	0.91
	55–59	7.1% (12/170)	7.9% (15/188)	0.09	0.76
	<b>60–64</b>	10.0% (14/140)	10.7% (16/150)	0.05	0.81
	<b>65–69</b>	14.1% (19/135)	13.6% (19/140)	0.01	0.91
	<b>70–74</b>	17.3% (13/72)	20.2% (17/84)	0.21	0.65
	<b>75+</b>	22.7% (15/66)	25.8% (17/66)	0.20	0.65

*Изоҳ:* n/N — ҳолат/умумий сони; OR — нисбий хавф; 95% ДИ — ишонч интервали; \*  $p < 0.05$ , \*\*  $p < 0.01$ , \*\*\*  $p < 0.001$  - аёл ва эркаклар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

**Иккинчи босқич натижалари:** шкалалар асосида функционал баҳолаш (n=247). Амбулатор реабилитациядан ўтган 247 нафар гериатрик бемор (135 аёл ва 112 эркак) қуйидаги тасдиқланган шкалалар орқали баҳоланди: MMSE, MoCA, BDI, MNA, TUG, Barthel Index, SF-36. Энг юқори тарқалган дефицитлар қуйидагилар бўлди: гипомобиллик (57,5%), когнитив бузилишлар (53,8%), нутритив дефицит (47,4%), депрессия (38,9%), ўз-ўзига хизмат қилиш қобилиятининг пасайиши (25,5%) (6-жадвал). Беморларнинг 60%дан кўпроғида бир нечта дефицитлар кузатилди, бу гериатриядаги кўпкомпонентли ноўринликни тасдиқлайди.

6-жадвал.

Шкала бўйича асосий статистик кўрсаткичлар (n = 247)

Шкала	Ўртача $\pm$ SD	Мин.	Макс.	Дефицит мезони	(%) дефицит билан
MoCA	24,1 $\pm$ 2,5	16	30	< 26	53,8%
BDI	16,3 $\pm$ 6,0	4	39	$\geq$ 17	38,9%
MNA	21,2 $\pm$ 4,1	13	28	< 24	47,4%
TUG	14,3 $\pm$ 1,9	10	24	> 14 сек	57,5%
Barthel	70,6 $\pm$ 13,9	38	100	< 60	25,5%
SF-36	51,4 $\pm$ 10,2	31	73	—	—

*Изоҳ:* Айрим шкалалар (SF-36) клиник-мулоқот қобилиятига қараб танлаб татибқ этилган.

Гендерли таҳлилда аёллар орасида депрессия ва мальнутриция, эркакларда эса когнитив ва ҳаракат функцияларида аниқ фарқлар қайд этилди ( $p < 0.05$ ). Жинс ва ёш бўйича шкалалари кўрсаткичлар (MoCA, MNA, TUG, BDI, Barthel) ўртасида ишончли фарқлар аниқланди. Масалан, MoCA

ва Barthel кўрсаткичлари эркакларда паст, TUG ва BDI эса юқори бўлди (7-жадвал). Статистик таҳлиллар нутритив ҳолатда жинс таъсирининг мустақиллигини (70 ёшдан юқори) тасдиқлади. Когнитив фарқлар мазмунан аҳамиятли: эркакларда дементал бузилишлар кўпроқ, аёлларда эса енгил когнитив пасайишлар кузатилди.

7-жадвал.

**Ёш гуруҳлари бўйича шкалалар натижаларидаги жинс фарқлари  
(барча  $p < 0,05$  даражасида ишончли)**

Шкала	Жинси	60–64	65–69	70–74	75+
<b>MoCA</b>	Аёл	24.8 ± 2.9	23.1 ± 3.2	21.5 ± 3.6	19.7 ± 3.9
	Эркак	23.2 ± 3.0*	21.6 ± 3.3*	20.1 ± 3.5*	18.3 ± 4.0**
<b>MNA</b>	Аёл	20.8 ± 2.9	19.5 ± 3.1	18.1 ± 3.5	16.8 ± 3.9
	Эркак	22.3 ± 3.2*	21.0 ± 3.3*	19.4 ± 3.4**	17.9 ± 3.7**
<b>TUG (с)</b>	Аёл	13.2 ± 1.8	14.5 ± 2.1	16.1 ± 2.5	18.3 ± 3.1**
